

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

24 октябрь кунини Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Раиси Цзянь Цзэмин таклифига биноан давлат ташрифи мақомида Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Узбекистон Президенти сайфат мобайнида мамлакат пойтахти Пекинда ХХР Раиси Цзянь Цзэмин билан ва учқурлаштириш тўғрисидаги баённома имзоланиши кутилмоқда.

Тошкент аэропортида корхоналарига, эркин Президент Ислам Каримовни



"Чевар" ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари томонидан тайёрланган ранг-баранг кийим-кечаклар харидорлар томонидан таҳсинга сазовор бўлмоқда. Сиз суратда ана шу бирлашманинг бир гуруҳ илғорларини янги кўйлак яратишда маслаҳатлашиб турганиликларининг шохиди бўлмоқдасиз.

Кузги емгирлардан "зерикан" Пекин Узбекистон Президенти Ислам Каримов ва унинг рафиқасини факулда ва сержило офтоби билан жуа илик кутиб олди. 11 миллион нуфусли қадим шаҳар кўчалари байрамона безатилган. Мустақил республикаимизнинг гўзал байроғи, самийи сўзлар битилган ранг-баранг ширлар, шодон чехлар шаҳар кўрғига кўрк қўшган.

Мамлакатимиз раҳбарини хушнуд қаршилаётган хитойликлар қўлида озод ватанимиз тисмоли — Узбекистон байроғини кўриш айниқса қувончи. Ислам Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи мақомида иккинчи сафари ана шундай кўтаринки рўйда бошланди.

Пекиннинг машхур "Тяньаньмэн" (Самовий

Козим Улмасов олган сурат.

Мустақиллик медалари

ПАРИЖДА ЮТУҚЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

Маълумки, бу йил ЮНЕСКО қарорига кўра Улуғбек йили деб эълон қилинган. Ҳозир фалакит соҳасида буюк илмий изланишлар олиб борган Мухаммад Тарағай Мирзо Улуғбековнинг таваллуд жашон бўйлаб кенг нишонланмоқда. Жумладан, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Сегос залида 24-28 октябрь кунлари Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган. "Узбекистон Республикаси — тарих ва ҳозирги замон" номли кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ушбу маъсул ятти вазирдан Узбекистон Республикаси Ташки Иқтисодий алоқалар вазирлиги "Узэкспомарказ" Республика савдо-кўргазма маркази ходимлари амағи

ошироқларда. Кўргазма тўрт қисмдан иборат бўлиб, Узбекистоннинг қадимги тарихи, Темур ва теурийлар сулоласи, Мирзо Улуғбековнинг ҳаёти ва филолиги ҳақида батафсил хикос қиладди. Ва биноярнинг, унда тарих ҳозирги замонга улаиб кетади. Бу бўлимда Узбекистоннинг бугунги кунини — унинг йирик шаҳарлари, фойдаланиш қазиланларини, асосий қиллоқ ҳўжялик нукталарини ва транспорт йўллари ифодаланган.

Кўргазма билан танишиш давомида меҳмонлар Узбекистон саноати билан, айниқса Марказий Осиёда ягона қисобланган Чкалов номи авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг юк ташиниши мўлжалланган ҳаво кемалари,

"Тошқиншоқмаш" заводининг машхур пахта териш машиналари ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Етотсозлик бўйича уста ва зардази тикувчиларини ҳам ушбу кўргазмада ўзбек халқ анилий санъати ютуқларини меҳмонларга намойиш қилдилар. Унда шунингдек бундан икки йил илгари ташкил этилган "Узбектуризм" миллий компанияси филолиги ҳақида ҳам хикос қилинади. Бу эса ўз навбатида французларнинг Узбекистон билан ақидан танишишлариға катта имкон туғдиради.

Маҳкуда ИСМОЛОВА, "Узэкспомарказ" ходими.

корхонасининг бири деб тан олинди. Айни пайтда корпорацияда уч мингта яқин киши меҳнат қилади.

— Корпорациямизга ташрифингиз биз учун катта шараф, — деди қўшма корхона президенти Цзянь Пень маъналикимиз раҳбарига. — Умид қиламизки, биз маъмур таширф натижасида таъкидонилик ишбилармонлар билан яхши алоқа ўрнатамиз.

Президент Ислам Каримов бугун ХХР давлат кенгаши раиси Ли Пен билан учрашди. Булиб ўтган дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида гап борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

"Овози Тожиқ" газетасининг Узбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан муқофотлаш тўғрисида

Узбекистон Республикасининг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ериштидаги, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун "Овози Тожиқ" газетаси Узбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан муқофотлансин.

Узбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 25 октябрь.

Мамлакатимиз Президентининг ХХРга давлат ташрифи иккинчи кунини — 25 октябрда Хитойдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — телевизор экранлари ишлаб чиқарувчи "Пекин-Маусита колор корпорейшн" Хитой-Япония қўшма корхонасини бориб кўришдан бошланди. Ислам Каримов бу ердаги ишлаб чиқариш жарани билан кизиқди, ишчилар билан суҳбатлашди. Ушбу қўшма корхона йилга уч миллионга яқин замонавий кинескоп ишлаб чиқаради ва махсулотининг талай қисмини хорижга экспорт қилади.

Ушбу йил яқунларига кўра, корпорация махсулотининг сифати ва салмоғи бўйича Хитойдаги энг яхши 10 саноат

"Корхонангиз маҳобатли экан..."

"Тошкент тўқимачилик комбинати" илгари ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-ийгирув - тўқув фабрикасида пахта қўйиндиларини тойлашга мўлжалланган "Дабшичи" Италия фирмасининг қудратли пресс ускунаси ўрнатилди ва синаб кўрилди.

— Мазкур техника қурилмасини комбинатимиз учун кадрдон бўлиб қолган Испаниянинг "Тасситурта Вицентис" фирмаси сотиб олиб берди. Бунинг эвазига биз испанларга етмиш минг долларлик қўйинди пахта етказиб бердик, — деди бирлашма бош муҳандиси В. Ф. Шимецова.

Хорижий пресс ускунаси пахта қўйиндиси жаҳон андозалари даражасида тойлайди. Демакки, янги цех махсулоти тўла-тўқис хорижга юборилади ва комбинат газнасига зарур валютани ўрнатишда бор куч-гайратларини келтиради. Бугунги кунда пресс ускунаси ўрнатилган сойик таъминот бўлими омборхонасини кўрган кўз қувонади. Бор-йўти икки ой ичида бу ерда анча-мунча қурилиш-таъмирлаш ишлари қилинди. 2-ийгирув-тўқув фабрикаси директори Абдухамид Абдуҳақов ва цех бошлиғи Абдуқаҳор Абдуллаев етакчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар 40 тоннали пресс қурилмасини ўрнатиш, пайванд қилиш ва ишлаш тўғрисида йўлдош юзага келган баъзи муаммоларини тез ва соз бартарғаб етдилар.

Комбинат бош механиги Оқилжон Зупаров, бош энергетик А. Тер-Каралетов, бош лойиҳачи Р. Котельман бошчилигидаги механиклар, соловчилар, энергетиклар шаънига таҳсинлар изхор этмоқ жоиз. Улар янги қурилмани

Пресс ускунасини ишлаб чиқарган фирма ҳўжайини жаноб Валерий Дабшичи Тошкентга келиб ҳеч бир ердасиз шундай мукамал ускунани ўрнатган тўқимачилар ишидан бирор бир камчилиқ топа олмади. Пресс ускунаси синавдан ўтказилгач, жаноб В. Дабшичи газетамиз муҳбирига қўйидаги фикрларини билдирди: — Мен пресс ускунаимиз ўрнатилган Осиё ва Европадаги анча-мунча саноат корхоналарини кўрганман. Лекин "Тошкент тўқимачилик комбинати"дек йирик саноат даргасини биринчи бор кўришим. Комбинат жуда қўламли ва маҳобатли экан.

Толиб НУРМУҲАМЕДОВ.

Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги Узбекистон Республикаси расмий делегацияси 25 октябрь кунининг иккинчи ярмида Хитой Халқ Республикасининг саноати гуркираб ривожланаётган йирик шаҳарларидан бири Шанхайга етиб келди. Ушбу шаҳар Президент Ислам Каримовнинг Хитойга ташрифи дўстурдан алоҳида ўрин олгани бежиз эмас. Шанхайда Пекиндан ҳам кўпроқ, яъни салкам 13 миллион аҳоли истиқомат қилади. Расмий маълумотларга қараганда ХХР миллий даромадининг олтидан бир

биродарлашувга муносибдир. Президент Ислам Каримовнинг Шанхайга ташрифи дастуридан йирик саноат корхоналари, савдо марказлари, қурилиш иншоотлари билан танишув кенг ўрин олган. Бугун мамлакатимиз раҳбарини шаҳарнинг дилқушо жойларини бориб кўрди. Шанхайликлар билан суҳбатда бўлди.

Президент Ислам Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи даром этмоқда.

Кулмон Очиқ, ЎзА махсус муҳбири.

ҲАМДЎСТЛИҚДА

- Киевда Украина билан Узбекистон ўртасида қатор ҳукуматлараро битимлар имзоланди.
- Кеңа Қозғистонда давлат мустақиллигининг уч йиллиги тантанали нишонланди.
- Қирғизистонда мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятининг бўлаёқ шакли юзасидан бўлиб ўтган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 84 фоизи икки палатали парламентини қўлаб чиқдилар.
- Бугун Покистон Бош вазирини Бхутто расмий ташриф билан Туркменистонга келди.
- "Аргументи и факти" ҳафтаомаси маълумотларига кўра Россиядаги муҳолифатчи кучлар 1996 йилда ўтказилган Президент сайловларида ҳозир мамлакат парламентини қўқори палатаси — Федерация кенгашининг аъзоси, Красноярскдаги "Енисей" киёе комбинатининг директори Пётр Романовни ўз номзодлари қилиб кўрсатиш ниятдадир.
- Кейинги йилларда Россияда ўртача умр кўриш эркаклар ўртасида 7,5 йилга, аёллар ўртасида эса 4,7 йилга қисқарибди.

"Оқшом" — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНИНГ

Маълумки, шу кунларда барча нашрлар қатори ўзингиз севган "Тошкент оқшом"га ҳам 1995 йил учун обуна даво этмоқда. Унга обунани истеган алоқа бўлимига кўриб, расмийлаштиришингиз мумкин. Шунинг айтиш кераки, газета қанама савдога жуда ҳам чеklangан миқдорда чиқарилади. Шунинг учун обунадан қўлайи ва яқини йўл. Агар обуна масаласида бирор муаммо туғилгудек бўлса, сиз дарров "Тошкент почтаси" давлат ишлаб чиқариш корхонасига 33-47-й рақамли телефонга ёки "Тошкент оқшом" таҳриратига 33-29-70 рақамли телефонга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Шунинг ани бир бор таъкидлаб ўтмоқчимизки, "Тошкент оқшом" саҳифаларида келгуси йилда ҳам ўзингизга манзур бўладиган ранг-баранг маҳсулотлар ериштилади. Газета юзини кўрадиган янги руқиялар остида ҳам бири-бирини қизик мақолаларини ўқингиз.

Обуна нархи қўйилган:

Бир йилга — 264 сўм.
 Ярим йилга — 132 сўм.
 Уч ойга — 66 сўм.
 Т о ш к е н т оқшомининг индекси — 64690.

Алоқа вазирлигини «Матбуот уюшмаси»

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" 64690

(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сонин

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маҳалла)

Кимга (насоби, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64690

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"

(нашр номи)

обуна	баҳоиси	сўм	обуна сонин
янги маъ-вилга	баҳоиси	сўм	обуна сонин
юбориш	баҳоиси	сўм	обуна сонин

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маҳалла)

Кимга (насоби, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Умр йўлдошидан шикоят қилгани келган одамга Ҳазрат Умар шундай насихат қилди: — Оилаининг меҳна баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари сабабли мендан бу ҳақларнинг қадрини билишимни истайди. Хотиним жаҳаннам оташи билан меннинг орада бир пардадир. Кўнглим у билан роҳатланади. Харомга боқмайман. Уйимнинг муҳофаза этувчисидир. Мен уйимдан чиқсам мол-мулкимни сақлайди,

Биргина шу муқофот замирида аёлларнинг ўрни, ҳурмат-эътибори аққол сезилиб турибди. Кейинги пайтда аёлни қадрлаш, унинг оналиги фарзандларини қай даражада тарбиялаши билан боҳоланишига алоҳида аҳамият берилмапти. Аёлларга болаларни паравари қилиш мақсадида қўшимча дам олиш тақдими этилгани уларга катта енгиллик яратса, бошқа томондан тарбияда албатта ўз ижобий

* Қалб изҳори ЕНГИЛЛИКЛАРДАН МАМНУНМИЗ

Уйимнинг бекаси бўлиб қолади. Кийимларимни ювиб тозалайди. Уйимдаги бошқа юмушлари бажариб, тозаллик ва фарзандларимнинг покчилигини сабр-қаноат билан таъминлайди. Болаларимни тарбиялайди, уларни едириб, ичиради. Менинг овқатимни пишириб, олдимга қўяди. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб бажариб, миннат қилмайди. Бу гапни эшитгандан сўнг шикоятга келган одам: — Сенга қилинадиган бундай хизматлар менга ҳам қилинади. Сен хуш кўриб унинг баъзи қўсурлари, камчиликларини кечганингдан кейин, мен ҳам хотинимнинг қўсурларини кечираман, — деган экан. Ҳикоятда қанчалик маъно борлигини пайқаш қийин эмас.

Кумри Обидовани таниганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин негадир у аёл билан кўпроқ суҳбатлашган, улар босиб ўтган узоқ, машаққатли, лекин шарафли йўл ҳақида эшитгим келаверади. Бу йил Кумри опа 70 баҳорини қаршиладилар. Бундоқ ўйлаб қарасак, шунча яшамоқликнинг ўзи бир инсон учун — Яратганининг олий ижоди дидир.

Умри мазмунли, ҳар қандай шубҳа ва сўроқлардан, виждон азобларидан холи ўтказмоқлик инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ, — дейди Кумри опа. — Ҳаётнинг бекаси бу — қалбинга қийин инсон билан уй ўтказмоқлик бўлса, унинг жилolari севган касбининг фидойиси бўлмоғидир. Фарзандларининг отаси Кўчор ака билан турмуш кўриганимга ҳам мана 50 йил бўлди. Оруларим шу инсоннинг меҳр-оқибати тўғрисида рубога чиқди. Дастлаб педагогика билим юртида таълим олдим. Кейин Низоий номидаги педагогика институтини ўқиниб давом эттириб, уни муваффақиятли тугатган.

* Фидойиларимиз ЮЗИДАН МЕҲР ЁҒИЛАДИ

аспирантурага тавсия қилиндим. Бу орада бирин-кетин фарзандларим дунёга келишди. Уй, рўзгор, оила, фарзандлар ташвиши дегандек. Шу даврда номзодлик диссертациясини ҳам химо қилишга улгурганман. Иш фаолиятини олдигина мактаб ўқитувчилigidан бошлаган Кумри опа, не-не ишларини, масъулиятини ваифларини бажармади, дейсиз. Керада ва қандай вазифада ишламасин у ўтирсизлиги, ҳалоллиги, билимдонлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди. Ҳақ орасида аёл бу уйнинг бекаси, у фақат рўзгор учун яратилган деган гапларни тез-тез эшитиб тураман. Бу фикрлар бир томондан тўғри. Лекин бугунги иқтисодий шароитда ана бошқа фикрлар ҳам кулоққа қалиниб қолади. Бу ҳақда Кумри опа шундай дейди: — Тўғриси бу масаланинг иқтисоддан ҳам кўра маънавий томонига эътибор қаратишимиз керак. Уйда ўтирган аёл кунда рўзгор ташвиши билан лоқаб бир сочини тараशा, ҳатто ойнага қараб олишга ҳам улгурмайди. Агар аёл ишласа, жамиятга ариалашса, атрофини кўради, кузатади, эстетик диди шаклланиб боради. Вақтдан унумли фойдаланишга ўрганади ҳуллас, фақат ахшилик томонга ўзгаради ҳолос.

Мен Кумри опа билан суҳбатлашганимда юзлардан ҳаминча меҳр ёғилиб туришини кўрдим. У ҳали ҳам тетик, ғайратли аёл. Нуруний чеҳрасида зориқиб, чарчаш аломатларини сезмайди.

Зебо АХРОВОВА.

* Инсонийлик фазилатлари СОДДА ВА САМИМИЙ

Ҳаётини аёлларсиз тасаввур эта олмасинки! Албатта, йўқ. Уларсиз ҳаётнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Аёллар турмушининг кўрми, хонадонимиз чирогини, ҳаётимиз давомчиларидир. Уларни асраб-авайлаш, эъзозлаш лозим. Тошкент давлат шарҳуносии институтини ташкил қилган "Узбек аёли: кеча ва бугун" мавзусидаги давра суҳбат ҳам аёлларни эъзозлашга бағишланди. Суҳбатни институт хотин-қизлар кенгашининг раиси, филология фанлари номзоди Моҳира Анбарова бошлаб берди. У ҳозирги кунда ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий турмушини яхшилашда амалга оширилиши лозим бўлган энг зарур юмушлар ҳақида гапирди. Шундан кейин сўз олган арабшунос олим Мухлис Зиевуддинова шарҳона одоб-ахлоқ муносибатларига алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди: — "Жаннат оналар оёғи остидадир", дейилган улуғ китобларда, бу сўзнинг замирида жуда катта маъно бор. Бу дегани аёллар дунёдаги энг буюк, муқаддас хотиндир. Мен аёлларнинг, хусусан ўзбек хотин-қизларининг гўзал одобларини борасида икки оғиз гапирмоқчи эдим. Биз ҳаминша шу ҳақда гапирганда шарҳона одоб дегани иборани кўп ишлатамиз. Ваҳоланки, бу одобдан ўзбекона одоб фарқ қилади. Ҳиндистон, Покистон, Эрон аёлларида гўзал фазилатлар — ҳаво, ибод, ор-номус кучли. Ўзбекона, туркона одоб меъёри эса содда ва самимийдир. Бизнинг хотин-

Назира СОДИҚОВА.

Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Аёл — табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуғ мўъжизани яратган Оллоҳ таоллага чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Президентимиз Ислам Каримов Фарғона водийси бўйлаб қилган сафарлари чоғида ўзбек хотин-қизларининг турмуш тарзини яхшилаш, аёлларимизнинг қадр-қимматини кўтаришга алоҳида тўхталиб ўтганлиги кўпчиликини хушнуд этди. Бугунги кунда аёл-она, аёл-ишчи, аёл-ўй бекаси. Шунча вазифани бажариш учун уларда фидойилик, сабр-тоқат ва یرода етарли. Анъанавий "Назоқат" саҳифамизда муҳтарам аёлларимизни қадрлаш, уларнинг фидокорликларини эъзозлаш билан боғлиқ мақолаларни ёритяпмиз.



И. С. Тургенев.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

- Токи ер юзиде биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳаминча нимадир янги гап айтиш мумкин.
- С. Буффлер.
- Аёл севгисидан мусоффо бўлмаган, унинг мардлигидан маъод олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган экан.
- Ж. Рескин.
- Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятларастлигимизни юмшатади, улар бизга қандай бунд бўлганимизни эслатиб туришади.
- М. Баррес.
- Аёлларга ҳош улмас назокат яхши эркакларга ҳаминча қанот бағишлаб келган.
- Р. Роллан.
- Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми занф, кундузи эса гапнинг бўлиб қолади.
- П. Буаст.
- Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.
- И. С. Тургенев.



И. С. Тургенев.

Тарихга назар ташласак аёлларимиз ўтмишда ҳам ҳақиқий ҳурмату эъзозда саналганлар. Зеро қадимда халқимизнинг миллий қадриятлари, маданий мероси кундалик турмушда ўзининг мустақам ўрнига эга эди. Ўзбек аёллари классик шеърятининг билимдон, Нодира, Анбар отин, Зебунисо каби шоирларнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган бир неча рисолалар муаллифи, филология фанлари доктори Маҳбуба Қодирова билан бўлган суҳбатимизда қадим тарихга мурожаат қилдик.

— Маҳбуба опа, аёллар ижодида Шарқ шеърятини, хусусан маданияти, урф-одатларига кўра аёлни эъзозлашга қай даражада эътибор берилган?

— Шарқда аёлларга эътибор, ҳурмат аввало Қуръон оятлари ва Ҳадислардан бошланади. Унда Одам Ато ва Моно Ҳаводан бошлаб инсон зотининг жамиятда катта мақомига эришиши борисида онанинг ролига ҳаминчалик эъзоз билан қараб келингани маълум. Ҳадисда "Жаннат оналар оёғи остидадур", дейилишининг ўзи жуда катта маънавога эга. Бу ерда аёл қанчалар тушунчасидан ҳам юқори кўтарилади. Узбек халқининг тарихи ҳақида гувоҳлик берувчи археологик қазилмаларининг ютуқлари, тарихимизга онд дунё фанида маълум бўлган асарларнинг қўлида она ҳаётини бошлаб жамият ҳаётига бағишланган жараёнда онага катта аҳамият билан қаралганини кўраемиз. Урф-одат ва маросимларини авлоддан-авлодга эъзозлаб давом эттириб келаётган, уни маънавий жиҳатдан бойитиб бораётган ҳам дастлаб аёллар. Она алланинги ўзи чуқур ҳаёт фалсафасининг ибтидои ва интиҳоси ҳақида қандай теран мушоҳадалар, гўзал сўзлар билан ифода этилганлигини кўриб ҳайратга тушамиз. Халқимизда она бир қўли билан бешикчи, иккинчи қўли билан дунёни тебратиб туради, деб бежиз айтилмаган. Онанинг уй-рўзгор ишлари, бола тарбияси, жамият ишлариданги иштироки ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, кўшиқлар айтилган, дostonлар яратилган. Уларда аёл фақат гўзал ер, ифатли ўй бекасигина эмас, балки эркаклар билан бир қаторда жамиятда иштирок этувчи инсон, давлатни идора этувчи тадбиркор ҳукмдор сифатида ҳам талқин этилади. Аёлларнинг истеъдоди ҳақида халқ ўртасида қанчадан-қанча ривоятлар мавжуд. Унга Робна (XII аср), Меҳри (XV аср), Зебунисо (XVII аср) каби шоирлар ҳақидаги халқ нақллари билан дунёни келтириш мумкин. Шарқда аёл шоирларга бағишлаб тақрирлар турган. Муҳаммад Сиддик Ҳасанонинг "Шамъи анжуман", Муҳаммад Зеҳрининг "Таъкират ал-хавотин", Саид Али Ҳасанонинг "Субҳи гулшан", Хусайн Кулихон Азободийнинг "Наштари ишк", Риззиддин бини Фахриддиннинг "Маъшур хотунлар", Муҳаммад Муҳар Хусайннинг "Рўзи равшан", Шерхон Али Аҳмадхон Лудийнинг "Мирыот ал-хавел" ва бошқа ўша ўшаган кўплаб асарларда аёл шоира, олим, ҳокималарнинг ҳаёт ва ижодлари улуғлиги тилга олинди.

— Мумтоз адабиёт намояндаяр, хусусан

Зебунисо, Нодира, Дилшод, Барно, Анбар отин каби аёл шоирлар ўз ижодларида аёл киши бўлган она, опа, сингил, қиз ва рафиқага муҳаббат, севги, ҳурмат-эъзоз қандай бўлиши лозимлиги ҳақида кўйлашганимиз!

— Шарқ адабиётининг ерқин саҳифаларида аёл гўзаллиги, ифрати, назокати, дониши алоҳида бир муҳаббат билан кўйланган. Қадимги халқ эпосларида кўйланган Тўмарсиннинг жасоратини эслайдик. Заринанинг ҳаёт йўлига кўз ташлайлик. Барчин, Шоҳсанам каби образларнинг тарихини кузатайлик, Фирдавсий, Низоий, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий дostonларидаги аёл образларини ҳаяжонланмай тилга олиш мумкин эмас. Алишер Навоий ўз газалларида гўзал маҳбуба, меҳрибон ерни кўйлабгина қолмай, Ширин, Лайли, Дилорам ва Равшанак каби зукко аёл образларини яратди. Бу

доншманд энагаси деб билурман, ул оно шундоғ онодур ва моҳир донодури, Афлотун ва Арастуни, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ила Илбеси, Исқандару Дорони, Лўқмон ва Сулаймонни, Абу Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Низомийни, Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган гизо-сидин расамат бериб, тўқсон тўққуз тўғоқ дардини тортув, ҳануз кўз очингда мажолимиз ва сўт эмоққа камолимиз бўлмаган мурғак ва филмак ҳолимизда кўзимизни очиб, оламни кўриш ва сўт эмиш қобилиятига даввору моҳир қилубдуру. "Анбар отин" шундай меҳрибон оналарни севини, қадрлаш ва эъзозлаш лозимлигини уқтиради.

Муҳаббат бирла севгила сан ҳамма фарқи қароларини.

Аёл деб ерга урма, кўрлама фарқи қароларини. Аёл ва она ҳақида бундан ортиқ таъриф ва тавсиф бўлиши мумкин эмас.

— Юртга хон бўлган Амир Умархон Нодирани аёл сифатида эъзозлашнинг лозимлигига қандай қараган?

— Амир Умархон ва Моҳларойим Нодиранинг ҳаёт йўллари, ижодий ҳамкорликлари ҳақида халқ ўртасида кўплаб ривоятлар борлиги барчага маълум. Уларда Умархоннинг Нодирага меҳр-муҳаббат ва эътиқоди қай даражада тасвирланган бўлса, Нодиранинг Умархонга катта эътиқоди ҳам ундан қоринорқ экан эгган. Умархон ва Нодира ҳақида халқ ривоятларида ҳам Умархоннинг Нодиранинг истеъдодига тан берган ҳоллари жоизлиги лавҳаларда акс этган ўринлари бор. Нақл қилишимизга Умархоннинг сарой шоирларидан жавоб кутиб еган: "Узум шохдан, шаҳзодамдан, гапим кўндур, недандур бу?" мисраларига ҳеч ким жавоб айтолмай, аёнлар Нодирага мурожаат қилганлар ва Нодира юқориданги мисранинг жавобини кўйлабгина келтиради: "Азалдан гам тубида бини бўлган бадандур бу". Бу ривоятлар заминда маълум ҳаёт ҳақиқатлари мавжуд, деб айта оламиз.

— Сизнинг фикрингизча аёлни эъзозлаш қай даражада бўлмоғи лозим?

— Мен ўзим аёл бўлганим учун бу саволга жавоб беришим бирмунча мураккаб албатта. Лекин она ҳақида, опа-сингил ҳақида ўзим ҳам тўққинилмасдан гапирга олайман. Менинг шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида эгган "Зебунисо", "Давр Нодираси", "Дилшод", "Анбаротин", "Музааммон", "Музаана Алавай" каби китобларимда она, истеъдодли аёл, она-сингиллар образи қайта-қайта гавдаланади. Биз аёлга аввало Қуръон оятлари, Ҳадислардан келиб чиқиб юксак эътибор беришимиз мумкин. Аёлга муносибати Навоийга тушунишимиз ва тушуниришимиз керак. Халқ оғзаки ижоди аёли жамиятнинг қўлайиб, улағайиб боришининг таъини, маънавий ҳазинаси, донишлик тисоли сифатида кўйлайдик. Биз учун энг катта намуна шулардир.

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

* Ёдимизда қолган лаҳзалар ҚАДРЛАШНИ БИЛАРДИЛАР

Халқ артисти, ажойиб актёр Шукр Бурхонов яратган сиймолар ҳамон кўз ўнгимизда. Марҳум санъаткорнинг умр йўлдоши, Тошкент давлат ўқу қ у ш у н о с л и к институтининг катта ўқитувчиси Шакархон ая Бурхонова Шукр ака билан бирга яшаган давларини хотирлаб, бизга кўйлагиларини гапириб бердилар:

— Шукр ака билан танишувимиз ҳеч ёнимдан

чиқмайди. Институтда ўқитган кезларим бир йилгит мени сўроқлаб келиб, узоқ суҳбатлашди. Илгарироқ эса "Алишер Навоий" фильмининг суратга тушириш учун сочларини узун, ибод билан қийнадиган қизлардан илаб, режиссёримга мурожаат қилган экан. У ердангилар мени кўрсатибди. Шундан сўнг режиссёр Ш. Протаэванов тажриба тариқасида фильмдаги Гули ролига мени тақдир қилди. Ушанда, кезларим хонадонимизда чарчмадингизми?" дея Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Сулонов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорлар, шунингдек аш ижодкорлар меҳмон бўлиб туршарди. Шукр ака меҳмонларни жуда қадрлардилар. Юмушлар экан тўғриси бўлиб ўтди. Уша кўпайиб кетганда "Онаси, кезларим хонадонимизда чарчмадингизми?" дея Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Сулонов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорлар, шунингдек аш ижодкорлар меҳмон бўлиб туршарди. Шукр ака меҳмонларни жуда қадрлардилар. Юмушлар экан тўғриси бўлиб ўтди. Уша кўпайиб кетганда "Онаси, кезларим хонадонимизда чарчмадингизми?" дея Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Сулонов, Комилжон Отаниёзов



Умарбековнинг "Қиёмат қара"

* Минг бир касб ҲЕЧ КИМ АРМОНСИЗ ЯШАМАЙДИ

Тошкент аэропорти ҳудудига кирсангиз ҳар сафар ҳаво тўққинларида шундай овоз тарқалади: "Диққат қилингиз, Тошкент — Хабаровск йўналиши бўйича 4935-рейс билан учадиган самолётга й ў л о в ч и л а р чиқариламоқда. Ҳурматли йўловчилар, авиалаерон орқали самолётга чиқишингизни сўраймиз". Бу — аэропорт суҳандонин Гулчехра Достмухамедованинг овозидир.

— Гулчехра опа, ишингизни енгил дейишдан, ҳақиқатан ҳам шундайми!

— Билмадим, балки ҳақиқатан ҳам касбим бошқа касбларга нисбатан енгилдир. Аммо инсон қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар ўз ишига масъулият билан қарашни керак. Агар бир сафар кундузи, кейинги сафар тунда ишлашимни, шунингдек микрофон қаршида муттасил ўтиришим лозимлигини ҳисобга олмасам касбим қийинмас. Аю ана шу жиҳатлар ишимнинг асоси саналади.

— Ўқибнингизнинг телевидение ёки радиога ишлайдиган суҳандонлар ишдан фарқи борми!

— Олмайман, ахборот воситалари суҳандонлари тайёр матнни ўқиб беришади, ҳолос. Мен эса у ёки бу эълонни бир неча сония давомида миямда тайерлаб ўқиб кетавершим керак. Бундан тэзқатри биздаги эълонлар фақат самсёлларнинг келиб кетиши билан боғлиқ эмас. Айрим ҳолларда йўловчиларга ҳолис хизмат кўрсатишга ҳам тўғри келади. Масалан, кимдир ҳозиргина учиб келган қийинчи қаердадир кутиб олмақчи уни тополмапти, ёки бошқа бир йўловчи кўпчилик ичиде ўз хайроҳини, қўнлик боласи ёки бирор қарияни йўқотиб қўяди. Микрофон орқали эълон қилиб уларни топтираман.

— Баъзан туғилар ишлашга тўғри келганда шу касбни ташлашга афсусланишми?

— Инсон зоти борки, армонсиз яшамайди. Кимдир доимо ниманидир кўрсади. Аслида мен ўрта мактабни тугатиб, Тошкент тўққинчилиги ва енгил сановат институтига ўқишга кирган эдим, буш вақтларимизда мана шу ерда суҳандонлик қилардим. Кейин турмушга чиқдим, фарзанд кўрдим, турмуш ўртоғим, қайнонам, қайнотам ҳам ўқиниш давом эттиришимга қарши эъзозландим. Аммо ўқиниш ўз хошим билан ташладим. Нима учун шундай қилганимни ҳалигача билмайман. Балки мендан яхши мутахассис чиққанга ишонмадимки! Собик сабоқдошларим эса бугунги кунда яхши жойларда ишлайотишди. Энди ҳаммаси кеч, афсусланишимнинг фойдаси йўқ эканлигини яхши тушунам-да шундай йиллар ҳаёлимдан ўтаверди. Баъзада иши оғир бўлса ҳам бошқа касбда ишлайдиганларга ҳавасим келади, чунки улар ҳар кун кечқурун, шанба ва акшанба кунлари кун бўйи уйда, онаси даварасида бўлишади. Чунки аёл кишининг кўп вақти уйда ўтиш керак, айниқса ҳар кун кечқурун у уйда бўлиши шарт, деб ўйлайман. Лекин шунга қарамай ўз касбимни яхши кўраман, балки бу ҳол ўз ишимга қўнликча қолганимдан бўлса керак. Турмуш ўртоғим ҳам бирон марта бўлса-да, "Ишингни йитиштир" дедиманлар. Иккинчи қиз узатганман, ана икки қиз, бир ўғлим бор.

— Бир савол сизни ҳеч ўйлантирганми: нима учун сизнинг касбингизга фақат аёлларни олишди?

— Нима учунлигини ўзим ҳам билмайман. Балки бу — аёл кишининг овози муносибдир деганидир. Маннон МАЛИКОВ.

асари асосида саҳналаштирилган спектаклдаги Сулаймон ота сиймосини бир кўз олдингизга келтиринг. Уша кезлари Шукр ака фарзандларимизни жуда жудо бўлган пайт эди, онада бирор муаммо юзага келиб қолса, вазминлик билан, маслаҳатлашиб ҳал қилишга одатлангандик. Ҳаётимдаги жуда кўп нарсаларини, турмуш қийинчиликларини енгиб яшаш, қатъиятли бўлиш, одамларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйишни Шукр акадан ўрганганман. Енимда ана шундай фидойи, жонқур ҳамроҳим бўлгани учун доимо бахтиёр яшардим.

Шукр ака ролларини ижро этаётганда уларнинг ҳаётини чиқинишга жуда катта эътибор берардилар. Езувчи Улмас Умарбековнинг "Қиёмат қара"

Умр йўлдошимнинг актёрлик фаолиятдан бундай келтирилган ана кўплаб мисолларни кўришим мумкин. Уни ерқин сиймоли, кўрсатган меҳр-муруватлари, фидойиликларини доимо қалбимизда. Нигора ГУЛМАТОВА эзиб олди. СУРАТДА: Шакархон ая Бурхонова Шукр ака ва қиз Шайхона билан.

* Суратли ахборот

МАРОҚЛИ КЕЧА

Акжал Икромов туманидаги Тўлкин Жалолов номи 245-мактабда бўлиб ўтган тантанали кечага хозирда қарилган гаштини сураётган мактабнинг соғиб муаллимлари, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида жўшқан меҳнат қилаётган соғиб ўқувчилар ҳамда ен-атрофдаги Октепа ва Абдулла Қодирий маҳаллалари фаоллари йнгилишди.

Билан бирга кўп йиллардан бери халқ меҳнат қилиб келатган муаллимлари туман халқ таълими бўлимининг фахрий ерликлари билан тақдирлади. Худди шунингдек Курбон Медримов, Манзура Раҳматуллаева, Зуҳра



Хамроқулова, Муқаддам Солтқова, Махфуза Халилова, Матлуба Ҳидоятова каби бир қатор ўқувчиларга пул мукофотларини топширди. Тантанали кеча давомида Октепа маҳалласининг оқсоқоли Сафо Муҳаммадсафоев маҳалла жағмараси ҳисобидан кам таъминланган оналарнинг фарзандларига қийим-кечаклар

Қангли диабет қадимдан маълум касаллик бўлиб, уни даволашга етарли эътибор берилмагани ва бу иш яхши йўлга қўйилмагани сабабли кўп вақт кишилар ушбу дардан вафот этганлар. Ҳозир ҳам қанд касаллиги тиббиёт оламида турган энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда ер юзиде 60 миллион киши қангли диабет билан хасталанган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Эндокринология илмий-тадқиқот Институтини ходимлари томонидан олим борилаётган тегиришларда республикамиз вилоятлари аҳолисининг 1,5—2 фоизи қангли диабет билан касаллангани

чанқайдилар. Улар 3 итдан 10 литргача ва ундан ҳам ортик суюқлик истеъмол қилишлари мумкин. Ичилган суюқлик микдорига қараб тананд шунча суюқлик ажралади. Доймий очлик ҳисси сезилади. Бунда бемор қанча овқат ейишга қарамай, озиб кетаверилади. Бундан ташқари у дармонсизлик, ишеқмаслик, тез чарчаш, тез асабийлашиш, уйқусизлик, тери қичиши ва баланд йиринглик, яралар ҳосил бўлишидан шикоят қилади. Беморларда оғиз бўшлиғининг яллиғланиши, ҳатто тишларнинг тўшиб кетиши ҳам юз бериши мумкин. Касаллик ўз вақтида даволанмаса оғир асоратларга

* Саломатлик ҳақида суҳбатлар

АСАБИЙЛАШИШДАН БОШЛАНУВЧИ ДАРД

аниқланган. Қангли диабет ички секретция безлари касалликлари қаторига кирди. У углевод, кейинчалик оксил ва ег алмашинуви жараянининг бузилиши касаллиги деб ҳам аталади. Ошқовон ости беши ҳўжайларни инсулин гормонини ишлаб чиқарар экан, ана шу гормон етарли даражада ишламаслиги қангли диабет пайдо бўлишининг асосий сабабидир. Танада инсулин етишмаслиги натижасида модда алмашинувининг ҳамма турлари бузилади. Бунда танада глюкоза тўла ўзлаштирилмайди, қанда қанд микдори ортиб, пешоб билан ажрала бошлайди.

Қангли диабетнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида кўпгина аъзорларни иштироки аниқланган. Асосан бунда марказий асаб тизмининг бузилиши, масалан қўриш, узоқ муддат давомида ташвишланиш, асабийлашиш, изтироб кечиш, боши бўрон жойга уриб олиш, қабилар — жамоний бўлади. Сериоз, шисабий меҳнатнинг, ҳаракатнинг чегарланиши, яъни қўлигча бир жойда ўтириб ишлаш, баъзи ҳолатларда ўтириб ва сургулила юкули касалликлар ҳам қангли диабетни келтириб чиқаради. Халдан ташқари кўп овқат ейиш, узоқ вақт давомида ширинликларни меъданинг ортингча истеъмол қилиш инсулин аппаратининг ҳолдан тоғишга олиб келади. Касаллик аста-секин, зиядан авж олади.

Қангли диабет касаллигига учраган беморлар кўп

мигги инсулин дозатори қангли диабет билан оғриган беморларнинг аҳолини яхшилаш билан қандайдиг глюкоза микдорини меъерига сақлашга ердм беради. Кейинги йилларда Эндокринология институтини ходимлари томонидан лазер нурали орқали даволаш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Касаллик хусусиятларига, қўшилиб келган бошқа хасталиклар бор-йўқлигига қараб хар қимга ўзига хос парҳез овқатлар берилади. Беморларга егис гушт, парранда гушти ва баланд таъйерланган овқатлар, кунли 1-2 дон тухум еки қўймоқ тавсия этилади, шунингдек, сут, қатик, егис сузма ва второгдан таъйерланган таомлар берилади. Спиртли ичимликларни ичиш, тамаки чекидан сақлашиш лозим.

Хозирги вақтда Эн-докринология институтини ходимлари томонидан беморларни ўқитиш бўйича иш олиб боришмоқда. Бу ўқитиш касалликнинг келиб чиқши сабабларини, белгиларини ўзунин назорат қилишни, парҳезга риоя этишни ва касаллик асоратларига йўл қўймаслигини тушунтирилади. Махсус ўқити би-тирилгандан кейин беморларга "Диабет ен дафтарчаси" деган асбобча дафтарча берилади, унда касалликка қарши қилинадиган ишлар ёзилган бўлади.

Хуллас, қангли диабет хасталиги ноҳус касалликлардан бири. Лекин кўп нарса оданинг ўзига ҳам боғлиқ. Шундай хасталикка қалинган киши ушбу мақолада айтиб ўтган мааслатларимизга риоя қилса, ўзининг турмуш тарзини ва иш фаолиятини рисоаладигдек қилиб, маромида олиб бора ушбу хасталик келтириб чиқарадиган ноҳушликлардан ўзини бирмунча химоя қилган бўлади.

Носир ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-тадқиқот Институтини клиникасининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

9 октябр кўни тунда Чилонзор туманидаги ўқиларнинг биридаги оғборда ўғирлик содир этилди. Махсус туман йчки ишлар бошқармаси ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ўғри тез орада қўлга олинди. Қизғин шундаки, нафақадан қариянинг бир қоп турин хил доривор неқларини ўғир қилиши, пенсиякор аёл кўтариб кетган экан. Энди "ҳазилқаш" қўшни қилиши учун

бирлашмасидан 58 метр газламанн хўфена йўл билан олиб чиқаетган ушбу қорхонанинг икки назоратчиси ушланди. 14 октябр тунда соат 00:15 да йчки ишлар йўрқарига "ВАЗ-2103" автомашинаси ўғирланганлиги ҳақидаги хабар келди. Йўхтақ йўл-патрул хизмати бўлими ходимларининг сиз-й-ҳаракатлари натижасида кўп ўтмай ўғри қўлга олинди. У самарқандлик, ҳеч қаерда ишламайдиган аёл экан.

"02" хабар беради

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

жавоб бермоқда. Шу кўни соат 10:00 да шаҳар йчки ишлар бош бошқармаси йчки-қидирув хизмати ходимлари ўтказган махсус тадбир натижасида ўз уйи олдига ҳеч қандай ишлайдиган йчки йўқ килограмм 650 грамм микдорда кўчи таъсир этувчи марихуана ги-евандлик моддаси билан қўлга олинди. Соат 22 да Сайилтоҳ қўчасидаги қаҳвахона олдига Сергейи туманида истиқомат қилувчи ҳеч қаерда ишлайдиган қилининг йчкидан тегириш пайтида тўплонча ва ўқлар қўли. Ҳозир ушбу йғитини тўплонча билан қай манзилга отланганини аниқланмоқда.

15 октябр кўни соат 15:00 да пенсиякор У. Н. ни ўз уйда 1972 йилда чиққан Махаров тўплончаси билан қўлга олинди. Бундан ташқари уйдан Италияде ишлаб чиқаришга газ тўплончаси, 300 грамм микдорда ги-евандлик моддаси ҳам топилди. Ҳозир нафақадан "устомон" устидан тергов ишлари олиб боришмоқда. Тошкент шаҳар йчки ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.

Кузда турли дори-дармонларга тўлиқ, ширин-шакар бўлиб "олтин ёмби" каби етилган қовоқнинг хосиятлари кўп. Ундан пазанда халқимиз турли таомлар, жумладан қовоқ сомса, қовоқ шўрва ва яхналар таъйерлашади. Ошқовоннинг сўтда қайнатилгани айниқса лаззатли бўлади.

ишлатилса семизликда малҳам. У юрак ва қон томирлари, камқонликда, пешоб ҳайдовчи, экзема каби касалликлар ва тери кўйиғанда ҳам қўлланилади.

Қовоқ — полз экени бўлиб, новдаси туглар билан қўлданганлиги, барглари ланжасимон, мевасининг шар ва тарелкага ўхшаганлиги кўпчиликка маълум. Археологик тегиришларда қовоқ миллоддан аввалги бешинчи миғг йилликдан бошлаб экиб келинганлиги аниқланган. Қовоқнинг келиб

Халқ таоботида буйрак ва жигар хасталанганда ишлатилади. Тинчлантирувчи омил сифатида уйқусизликда, безовта бўлганда кечасига ошқовоннинг қайнатмаси асал билан бирга стаканинг ундан бир қисмида ичиш тавсия этилади. Буюқ аллома Абу Али ибн Сино ошқовондан олинган шира қаттиқ тиш оғринини қолдириш, асал билан қайнатилган эса ички юмшатиши ва чанқов қонийригининг башорат этган. Қовоқ шарбати тери яллиғланишига суртилди, унинг "тўштли" қимми темирлатига наф беради. Пустилог қайнатмаси тери хасталигига даво. Қовоқнинг нўҳот ва мош билан аралашган шўрваси йўталда малҳамдир. Қовоқни кўрга қўймоқ пишириб, қўл ва оёқларнинг оғриқ жойларига қўйилса фойда қилади.

Ошқовоннинг уруғи айниқса таоботда асосий омил ҳисобланади. Ошқовоннинг уруғидан гижжага қарши дори таъйерланади, ҳатто уруғининг қўши қобити ҳам шифодир. Ҳўш, бу гижжага қарши қандай қўлланилади? Бунинг учун ошқовоқ уруғи олиниб, қўши қобити сақланган ҳолда бирор йилдаги майдаланади. Сўнг асал еки мураббо (100 гарммга 300 грамм уруғ нисбатига) билан аралаштирилади ва эрталаб оғ-оздан бир соат моабинда беморга берилади. 3 соат чамаси ўтгач, сурги дори берилади. Болалар учун қовоқ уруғи 3—4 ешга 75 гармм, 10 ешга 150 гарммдан тавсия этилган. Гарндан қовоқ уруғи гижжага қарши ишлатиладиган замонавий дориларга нисбатан озроқ самара берад-да, у беморларга бир мунча енгиллик тутдиради ва ҳафсиз ҳисобланади.

Қовоқ борасидаги мақолаи XVIII асрда яшаб табиблик қилган Сайид Муҳаммад Ҳасратнинг қовоқ ҳақидаги газалидан мисол келтириб нукта қўямиз:

Қовоқ бўлар форслар тилида қаду, йчкинчи дар қўлу-совуқликда у, Меъда ичра ҳам бўлар тўтамай, Екимли хилт пайдо қилади, хай-хай... Сафро хилтин тандан йқутур берай, Аммо кўп ейилса, қўзғатуру қулаж, Қулаж иллатини тезда айлар кам, Ҳом қовоқдан олиб ейилгани дам, Ўткир табиблардан қўллари дейди: "Чанқоқ қолар қимқи кўп қовоқ кейди".

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, дорирнуос.

* Ўлкаимизнинг шифобахш неъматлари

"ОЛТИН ЁМБИ"НИНГ ХОСИЯТИ

чиқши жойи Бразилия бўлиб, у ердан Ҳиндистонга келтирилган ва кейинчалик дуненинг кўпгина мамлакатларига тарқатган.

Узбекистонимизда қовоқнинг 50 га яқин тури мавжуд бўлиб, унинг бир тури бўлган ошқовоннинг мусқад қовоқ, йнрик қовоқ, олим қовоқ, достар қовоқ, қўлча қовоқ, картошка қовоқ, томоша қовоқ сингари навлари бор.

Ошқовоқ ҳам неъмат, ҳам шифодир. Ундан халқ таоботида йўтал, кўкрак ва томоқ оғриқларида фойдаланиб келишмоқда. Бинобарин, унинг меваси қанд, пектин, қалий, қальсий, магний тузлари, темир, дармондорилар— С, В1, В2, РР ва провитамии А каби моддалар сақлайди. Уруғида эса 50 фоиз ег, фитостеринлар, органик кислоталар, смола бор. Шу моддалар жо бўлганлиги учун қовоқ бир қатор хасталикларга шифодир. Ошқовон-ичак йўли, йўғон ичак яллиғланишига даво бўлади. Мевасидан олинган шира ангина касаллигини даволашда наф келтиради. Таркибидеги пектин моддасида аъзон-танандан холестеринни чиқариб юбориш хўсурияти бериши учун ошқовоқ парпционлигида жуда фойдали, яъни унинг олдини олади. Ошқовоннинг ҳам эти ичакнинг иш фаолиятини яхшилади ва ич қотишига қарши қўлланилади. Ошқовоннинг калорисы паст, шу боис таомда

Маълумки, доворак, чапсат қиндулар (индеецлар), қачқон қовоқлар ва уларга бўй бермас мустанглар ҳақидаги фильмларни нафакат боллар, балки қатталар ҳам севиб томоша қилишди. Улар тўғрисидаги бирорта фильм

олиши мумкин. Ўтган асргача Урта Осиё кенгликлари, дашт ва чўлларида ҳам ана шундай еввойи отлар кўп бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Кейинчалик тарихий тараксиёт натижасида улар қирлиб кетиб, мавжуд қўриқхоналарда

Мустанглар, яъни еввойи отлар қўчанчилар ҳаракати даврининг рамзи бўлиб келган. Улар уюр-уюр бўлиб кенгликларда, тоғ етибегирларида яшайдилар. Мустанглар уй хайвонлари авлоди ҳисобланишига қарамай, эркинликка ўрганган жонзотлардир. Уларни фақат қовоқларга йўлга сола

бошқа хайвонлар сингари табиий шароитда еки фермаларда парвариш қилиниб, катта озуқа билан таъминланган. Уни давлат ва жамоат бошқарув бюроси ўз зиммасига олган. Аммо еввойи отларни инсонларга ҳамда тукунлик шароитига ўратиш анча мушкул кечмоқда. Уларни фақат мохир қовоқлар баъзан вертолётлар ердамида ҳайдаб келишади. Ана шунларни ҳисобга олиб, бюро еввойи отларни кўннктириш учун махсус дастур ишлаб чиқди. Уларни ветеринар назоратидан ўтказди. Ҳар бир еввойи отни мослашуга таъйерлаш учун тўлов 125 доллани ташкил қилади. Бу билан янги отлар ҳўжалиги уларни қўлга ўратиш ва улардан фойдаланишга қодирлигини исбот қилиш мақсадиданлар. Шу тўғрйли хар йили Америка Қўшма Штатлари фермаларига 5 мингдан 10 минггача мустанглар ҳайдаб келинган. Лекин уларнинг қўлга ўранишига қўпчилик ишонмай турибди. Бу егини эса вақт кўрсадиги.

* Ҳайвонот оламида

ЁВВОЙИ ОТЛАР ФЕРМАСИ

мухлислар эътиборидан четда қолмаган. Шу тўғрйли хи-ндулар, қовоқлар тўғрисида кўп нарса биламиз. Аммо мустанглар ҳақидаги? Мустанглар, яъни еввойи отлар қўчанчилар ҳаракати даврининг рамзи бўлиб келган. Улар уюр-уюр бўлиб кенгликларда, тоғ етибегирларида яшайдилар. Мустанглар уй хайвонлари авлоди ҳисобланишига қарамай, эркинликка ўрганган жонзотлардир. Уларни фақат қовоқларга йўлга сола

Гивандлик — иллат

ҚИНҒИРЛИКЛАРИ ЎТМАДИ

Тошкент шаҳар бошқона хизмати шахсий таркибининг наббатдаги тезкор йнгилишида "Тошкент — Шимол" темир йўл шоҳбехатида йўловчиларни бошқона назоратидан ўтказиш бўйича иш олиб бораётган 22-пост бошлиғи Е. Намов ва шу пост бошлиғи А. Маҳкамолларнинг ўз ишга масъулият билан ендошганини, сержагини ва уедавуронлиги учун мукофотлаш тўғрисидаги рақарият буйруғи эълон қилинди. Гал шундаки, 1994 йил 2 октябр кўни Е. Намов бошқилигидаги пост шахсий таркиби бу марказий темир йўл шоҳбехати орқали жўнаб кетаятган йўловчиларни бошқона назоратидан ўтказишга таянган эдилар. "Тошкент — Семипалатинск" поездининг жўнашга санокли дақикалар қолган пайта 5-вагон енда икки улкан сўмба билан турган йнгилининг шўбалии кифаси Намовнинг эътиборини ўзига

Тошкент шаҳар йчки ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.

назоратдан ўтказиш чориде тожикистонлик В. А. Исмаи шахсининг ендан 1000 грамм ги-евандлик моддаси топилди.

18 сентябр кўни Тошкент аэропорти орқали "Тошкент — Москва" йўналиши бўйлаб ўчмоқчи бўлаётган йўловчиларни бошқона назоратидан ўтказиш чориде россиялик фуқаро, 1975 йилда туғилган Д. Р. исмаи шахсининг ендан 13 грамм наша пайдалануви моддаси топилди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар юзасидан жўналий ишлар қўзғатилиб, тегишли чора қўриш учун йчки ишлар транспорт бўлими тергов органига топширилди. Пулат ЖОЗИЛОВ, Тошкент шаҳар бошқона хизмати катта ноэри.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИҲЖОРАТ ҲАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУСУСИЙ ХОНАДОНЛАРДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ "СУВСОЗ" ТРЕСТИ

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун белгиланган янги нархларнинг 1994 йил 1 октябрдан бошлаб қўча кирганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: СУВ: 1 м³ учун — 6 тийин. КАНАЛИЗАЦИЯ: 1 м³ учун — 4 тийин. ШАҲАР СУВҚУВУР ТАРМОГИДАН 1 КИШИ УЧУН САРФ-ЛАНДИГАН БИР ОЙЛИК СУВ МЕЪБЕРЛАРИ ҚУЙДАГИЧАДИР: КАНАЛИЗАЦИЯСИЗ УЙЛАРДА: — ҳовлидаги сувтасимлагичлар — 2,3 м³ (14 тийин); — шунинг ўзи, ҳожатхона билан — 3,8 м³ (23 тийин); — ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина) билан — 3,0 м³ (18 тийин); — шунинг ўзи, ҳожатхона чаноғи (унитаз) билан — 4,5 м³ (22 тийин); — ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина), ваннахона (ҳаммом) еки душ билан — 5,3 м³ (32 тийин); — шунинг ўзи ҳожатхона чаноғи (унитаз) билан — 6,8 м³ (41 тийин).

КАНАЛИЗАЦИЯЛИ УЙЛАРДА:

— ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина) билан — 3,5 м³ (35 тийин); — шунинг ўзи, чаноғи (раковина) ва ҳожатхона чаноғи билан — 4,4 м³ (44 тийин); — шунинг ўзи, ювиш чаноғи (раковина), ваннахона (ҳаммом) еки душ билан — 6,1 м³ (61 тийин); — шунинг ўзи, ювиш чаноғи (раковина), ҳожатхона чаноғи (унитаз), ваннахона (ҳаммом) еки душ билан — 7,0 м³ (70 тийин).

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИГА ЭГА БўЛГАН КАНАЛИЗАЦИЯЛИ УЙЛАРДА:

— ичкарига ўтказилган сувқувур тармоғи, ювиш чаноғи (раковина), ҳожатхона чаноғи (унитаз), ваннахона еки душ билан — 8,1 м³ (91 тийин). — еги душ учун 1 июндан 1 сентябргача 1 кишидан ойига қуйдагича ҳақ олинади: — 1,8 м³ (11 тийин); — енгил машина учун — 1,8 м³ (11 тийин. 1 йилга 1 сўм 30 тийин).

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун хақи йилнинг бир чорағи тугагандан кейин 10 кундан кечиктирмадан жағарма банкнинг Тошкент шаҳридаги қирим қасаларигагина тўлаш лозим. Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик учун қарзини узмаган абонентлар жағи тўлов пулини янги жорий нархлар бўйича тўлайдилар.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Сувдан ва шаҳар канализацияси хизматларидан фойдаланганлик хақи ўз вақтида тўланган тақдирда сувқувур тармоғи қўшмча оғохлантиришсиз узиб қўйилди.

ЭСЛАТИШ ҶАМИЗИ

Тошкент шаҳар хокимининг "Тошкент шаҳар аҳолиси учун сувқувур ва канализация хизматлари тарифи"ни тасдиқлаш ҳақидаги 488—Ф сонли 1994 йил 18 октябрдаги фармониға мувофиқ амалга оширилди. Бу ҳолда сўғориш хақи эркин шартномавий нархларнинг икки баравари ҳажмида, яъни: 1 м³ га — 4,5 м³ — 54 тийин тўланади. Белгиланган вақтларда руҳсатсиз сўғориш ҳоллари аниқланган тақдирда сўғориш хақи энг юқори босим шартотида сувқувур тармоғи тўлиқ меъериде ишлаган пайтдаги бир ойлик тўлов хақи ҳажмида тўланади. Маълумотлар учун телефонлар: 56-62-45, 56-61-25.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР "Қўйлик-2" да 3 хонали квартира (2-қават) сотилади. Тел. 90-09-24.

"Тошкент оқишони" газетасига малакали машинистка керак. Матбуотчилар қўчаси, 32-уй, 226-хонага мурожаат қилинг. Тел. 33-57-02.

Тошкент шаҳар Миробод тумани хокими ижрога маҳкамаси ҳуқуқшунос Улугбек Файзиёвга отаси Лутиф ФАЙЗИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг Ишлаб чиқаруви ва савдо қилуви бирлашмаси базаси жамоаси шу базанинг бош директори Д. Н. Зиедова онаси НАИРА Усмонова ЗИЕДОВАНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги. Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10. 700000, Тошкент шаҳри. ГСП, Матбуотчилар қўчаси, 32-уй. Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тикорат хабарларини йойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66. Эълонлар ва мақолалар хабарлари аниқ ва аниқлиги учун равобарчилик қилиш берилган йилликлик ва мааслар уинмасида.